

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**МУСАШАЙХОВ УМИДЖОН ХУСАНОВИЧ**

**МЕТАБОЛИК СИНДРОМ ПАТОГЕНЕЗИНИНГ КЛИНИК-  
БИОКИМЁВИЙ ВА МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА  
УНИНГ ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИ БИЛАН АЛОҚАСИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)**

**Мусашайхов Умиджон Хусанович**

Метаболик синдром патогенезининг клиник-биокимёвий  
ва молекуляр-генетик хусусиятлари ва унинг юрак ишемик  
касаллиги билан алоқаси..... 3

**Мусашайхов Умиджон Хусанович**

Клинико-биохимические и молекулярно-генетические  
особенности патогенеза метаболического синдрома и его  
взаимосвязь с ишемической болезнью сердца..... 33

**Musashaykhov Umidjon Khusanovich**

Clinical-biochemical and molecular-genetic features of the  
pathogenesis of metabolic syndrome and its relationship with  
coronary heart disease..... 63

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 67

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**МУСАШАЙХОВ УМИДЖОН ХУСАНОВИЧ**

**МЕТАБОЛИК СИНДРОМ ПАТОГЕНЕЗИНИНГ КЛИНИК-  
БИОКИМЁВИЙ ВА МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА  
УНИНГ ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИ БИЛАН АЛОҚАСИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.2.DSc/Tib839 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашининг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Набиева Дилдора Абдумаликовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Нуриллаева Наргиза Мухтархановна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Мухамедова Муяссар Гафуржановна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Гильдиева Маргарита Сабиловна**  
биология фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли илмий кенгашининг 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru))

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.Г. Гадаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.И. Пулатова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Л.Т. Даминова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Замонавий тиббиёт ютуқларига қарамасдан, бутун дунёда юрак-қон томир касалликларидан (ЮҚК) юқори ўлим даражаси сақланиб қолмоқда. Бунинг сабабларидан бири метаболик синдром (МС) бўлиб, у ҳозирги кунгача ўз долзарблигини йўқотмаган ва меҳнатга лаёқатли аҳоли орасида юқори даражадаги ногиронликнинг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. МС жаҳонда 10% дан 60% гача аҳоли ўртасида учраб у биринчи навбатда ирсий мойиллик, ташхислаш мезонлари ва инсон турмуш даражасига боғлиқ. Ўтказилган кенг қамровли тадқиқот натижаларига кўра, келажақда 25 йил ичида МС билан касалланиш ҳолатлари 2 бараварга ортиши башорат қилинмоқда. Мутахассисларнинг фикрига кўра, кўпчилик одамлар «ҳаётининг ўртача 10 йилини касаллик ҳолатида ўтказадилар»<sup>1</sup>. Шу билан бирга, метаболик синдромнинг мавжудлиги коморбид касалликларни ривожланиш хавфини ортиши билан чамбарчас боғлиқ. Шу сабабли, МС ва юрак ишемик касаллигини (ЮИК) эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш замонавий тиббиётнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда сўнгги йилларда МС ва унинг асоратларини эрта ташхислаш, башорат қилиш, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштиришга бағишланган бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. МС ва ЮИК, унинг кардиоваскуляр асоратларининг кенг тарқалиши, дунёнинг кўплаб мамлакатларида, хусусан, Хитой, Испания, Россия, АҚШ ва бошқаларда уни жадал суръатлар билан ўсишда давом этаётгани ташвишга солмоқда. Бугунги кунга келиб, МС ва ЮИК ривожланишида турли хил хавф омиллари, шу жумладан, уларни шаклланишида ирсий мойиллик иштирок этиши аниқланган. Метаболик жараёнлар бузилишларининг генетик предикторларини (PPARD, ADRB2, ADRB3, PPARG2, FABP2, шунингдек MTHFR (677)) эрта аниқлаш МС билан оғриган беморларда ЮИК, жумладан миокард инфаркти (МИ) каби юрак-қон томир касалликларини башорат қилишда алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамызда тиббиёт соҳасини ривожлантиришга, шунингдек, тиббиёт тизимининг жаҳон стандартлари талабларига мувофиқлигини таъминлашга, хусусан, кардиоваскуляр патологиялар асоратларини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишга катта эътибор қаратилмоқда. «...Мамлакатимизда тиббий ёрдам самарадорлиги, сифати ва қулайлигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш, патронаж хизматларини яратиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш...»<sup>2</sup> каби вазифаларни хал этиш касалликнинг асоратларидан ногиронлик ва ўлимни сезиларли даражада камайтириши, МС ни эрта ва ишончли ташхислаш ва профилактикасида замонавий молекуляр - генетик тадқиқот

<sup>1</sup> The World's Women 2020: Trends and Statistics. /WHO. Tuesday, October 20, 2020

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» Фармони.

усулларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.** Метаболик синдром ва у билан боғлиқ бўлган кардиоваскуляр асоратларни эрта ташхислаш ва башорат қилишни такомиллаштиришга, молекуляр-генетик мойилликни аниқлашга, нейро-гуморал тизимнинг ҳолатини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Cardiovascular Research Center, National Heart, Lung and Blood Institute, International Atherosclerosis Society, American Heart Association (АҚШ), World Heart Federation (Швейцария), International Association for the Study of Obesity (Италия), International Diabetic Federation (Бельгия), UK Prospective Diabetes Study Group (Буюк Британия), Россия кардиология илмий-ишлаб чиқариш комплекси, Федерал эндокринологик илмий маркази (Россия Федерацияси), Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази, Тошкент тиббиёт академияси, Андижон тиббиёт институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Метаболик синдром ва у билан боғлиқ касалликларнинг асосий патогенетик механизмларини, клиник хусусиятларини, даволаш ва профилактикасини аниқлашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: метаболик синдром ривожланишининг генетик омиллари асосланган (American College of Endocrinology; метаболик синдромнинг ривожланиши ва жадаллашувида эндотелий дисфункцияси маркерларининг таъсири аниқланган (American College of Cardiology); хасталикнинг прогнози ва

<sup>3</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <http://www.nhlbi.nih.gov>; <http://www.heart.org>; <http://www.world-heart-federation.org>; <http://www.athero.org>; <http://www.sio-obesita.org>; <http://www.idf.org>; <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pmc/articles/PMC2014359>; <http://cvrc.massgeneral.org/>; <http://www.cardioweb.ru>; <https://www.endocrincentr.ru>; <http://www.cardiocenter.uz>; <https://www.minzdrav.uz/agencies/details.php?ID=19345>; <http://tma.uz/ru/>; <http://jamanetwork.com/journals/jama/fullarticle/196993>; <https://www.aace.com/college>; <http://www.acc.org>; [http://sphweb.bumc.bu.edu/otlt/MPH-Modules/EP/EP713\\_CohortStudies/Ridker\\_Crestor\\_CRP.pdf](http://sphweb.bumc.bu.edu/otlt/MPH-Modules/EP/EP713_CohortStudies/Ridker_Crestor_CRP.pdf); <https://ira.le.ac.uk/bitstream/2381/21817/1/nejmoa1001121.pdf>; <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed/15670545>; <http://www.adti.uz>.

кечиши даражасини белгиловчи ассоциацияланган жараёнлар аниқланган (American Heart Association, World Heart Federation); мазкур патологияларнинг бирламчи ва иккиламчи профилактикаси бўйича замонавий усуллар ишлаб чиқилган (STELLAR Study Group, JUPITER Investigation, NAVIGATOR Study Group (АҚШ)).

Дунё микёсида илмий тадқиқотларни олиб боришда метаболик синдромни эрта ташхислаш ва башорат қилишни такомиллаштириш масалаларини ечимини топиш энг устувор йўналишлардан бири булиб колмокда. Инсулинрезистентликни, эндотелий функциясини бузилиши ва МСни бошқа таркибий қисмларини эрта аниқлашга, кардиометаболик бузилишларни молекуляр-генетик ташхислашни сифатини оширишга қаратилган замонавий усулларни ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмокда. МС таркибий қисмларини комплекс даволашни самарадорлигини оширишга қаратилган ишлар кенг бажарилмокда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё микёсида МС ни ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар давом этмокда, унинг натижаларига кўра бу патологик ҳолат 2-тур қандли диабет, юрак-қон томир ва бошқа касалликларнинг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга (Saklayen MG, 2018; ADA, 2019). МС ва ЮИК ни, шу жумладан МИ ни эрта аниқлашнинг ишончли мезонлари ҳали ҳам тўлиқ аниқланмаган. Бу беморларда МС хавфининг ирсий мойиллигини ишончилигини ошириш ва ўз вақтида аниқлашни яхшилаш учун турли молекуляр-генетик бузилишларнинг иштрокини баҳолаш мақсадида янада кенг қамровли тадқиқотлар олиб боришни талаб қилади.

Бироқ, хорижий ва маҳаллий адабиётларда ҳам липид метаболизминини тартибга солувчи генлар PPARD (rs2016520), ADRB2 (rs1042713), ADRB2 (rs1042714), ADRB3 (rs4994), PPAR2 (rs1801282), FABP2 (rs1799883) ва фолат цикли метаболизминини белгиловчи MTHFR (677) генларининг МС шаклланишидаги аҳамияти ва бир қатор касалликлардан ўлим сабаблари ҳақида ҳали ҳам етарли маълумот йўқ. Бу МС патогенезининг хусусиятлари ва беморларда маълум генотипларни аниқлаш билан бевосита алоқани ўрнатишга имкон берадиган молекуляр генетик тадқиқотларнинг камлиги билан боғлиқ. Бородин С. В. ва бошқ., (2016), тадқиқот натижаларида оксил-2 ёғ кислотаси гени (FABP2) мутациялари семизлик ривожланишида муҳим рол ўйнаши аниқланган. Yang Boyi ва ҳаммуаллифлар (2014) клиник изланишларида гомоцистеинни (ГЦ) МС ривожланишида муҳим роль ўйнаши курсатилган. М. Jalba олган натижаларига кўра, ADRB2 генининг rs1042713 полиморфизми семизлик ривожланиши билан ҳеч қандай алоқаси йўқлиги аниқланган.

Ўзбекистонда МС ва ЮИК муаммоси бўйича бир қатор тадқиқотлар ўтказилган. Мамлакатимизда сўнги ўн йил ичида Р.Д. Қурбонов (2020й.), А.Л. Аляви (2020й.) ва А.Б. Шек (2017й.) каби мутахассисларнинг ишлари мавжуд. Ушбу тадқиқотлар юрак ишемик касаллигининг ривожланиши ва башоратида ген-номзодларнинг аҳамиятини ўрганишга бағишланган. Ҳамда, аҳоли орасида қандли диабет (ҚД), артериал гипертензия (АГ) ва семизликнинг тарқалиши

кўрсатилган (Каюмов У. К., 2011; 2014; Исмоилов С. И., 2019; Уринов О., Мамутов Р. С., 2016; Алиханов М. Н., 2018; Алиева А. В., 2018). МС да ЮИК касаллиги кўпроқ атипик ёки оғриқ синдромсиз давом этиши кўрсатилган (Исмоилов К. Ю., 2003). МС нинг симпато-адренал тизим ҳолати билан алоқаси ўрганилган (Ўзбекова Н. Р., 2017). "Гипертония мактаби" да яратилган АГ билан оғриган беморларнинг ўзини-ўзи кузатиши юқори қон босими хавфини сезиларли даражада камайтириши исботланган (Гадаев А.Г., Гулямова С.С., 2014, 2018). Уюшмаган аҳоли уртасида МС профилактикасини инновацион усуллари курсатилган (Бадритдинова М.Н., 2022).

Шу билан бирга, адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, МС ва ЮИК, шу жумладан МИ ривожланишига патологик таъсир кўрсатиши мумкин бўлган баъзи генетик полиморфизмларнинг роли ҳозиргача тулик очиб берилмаган. Шу муносабат билан Ўзбекистонда МС ва ЮИК (МИ) патогенезини ўрганишга қаратилган кенг қамровли клиник ва молекуляр-генетик тадқиқотларни ўтказиш долзарб масала бўлиб хисобланади ва бу катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №012000273 сонли «Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида сурункали ноинфекцион касалликларни эрта ташҳислаш, даволаш ва профилактика қилишнинг илғор инновацион технологияларини ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида амалга оширилган (2020 – 2024 йй).

**Тадқиқотнинг мақсади** метаболик синдромнинг ривожланиш патогенезида плазма гомоцистеинининг, шунингдек липид метаболизмини ва фолат циклини тартибга солувчи генларни ролини ва унинг ЮИК билан ўзаро боғлиқлигини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

МС мавжуд беморларда клиник ва биокимёвий текширувлар ўтказиш;  
метаболик синдромнинг шаклланишида қондаги гомоцистеиннинг ролини ва унинг юрак ишемик касаллиги билан алоқасини баҳолаш;

плазма гомоцистеинининг липид спектри параметрлари ва НОМА-IR индекси билан боғлиқлигини ўрганиш;

МС билан оғриган беморларда ADRB2 (Gln27Glu), ADRB2 (Arg16Gly) ва ADRB3 (Trg64Arg) детерминант генлари полиморфизмларининг ролларини ўрганиш ва уларнинг МС ҳамда ЮИК патогенезидаги аҳамиятини баҳолаш;

МС ва ЮИК ривожланишида липид метаболизмини тартибга солувчи PPAR $\alpha$  (A/G), PPAR $\gamma$ 2 (Pro12Ala) ва FABP2 (Ala54Thr) генларнинг аҳамиятини баҳолаш;

МС билан оғриган беморларда фолат цикли метаболизмининг MTHFR (677) полиморф маркерининг тарқалиш частотасини ўрганиш ва уларнинг МС ва ЮИК касалликларига ирсий боғлиқликни шакллантиришдаги ролини ўрганиш;

фолат цикли метаболизмининг МТНFR (677) генетик маркерининг МС билан оғриган беморларда плазмадаги гомоцистеин даражаси билан боғлиқлигини баҳолаш;

**Тадқиқот объекти** сифатида асосий гуруҳни ташкил этган 183 бемор, ҳамда, назорат гуруҳига киритилган, текшириш вақтида ва анамнезида МС ва МИ ларнинг клиник кўринишисиз, ўзида ва яқин қариндошларида юрак-қон томир касалликлари бўлмаган 155 нафар «шартли-соғлом» шахслар олинган.

**Тадқиқот предмети** сифатида липид метаболизми ген-детерминантларининг PPAR $\alpha$  (rs2016520), ADRB2 (rs1042713), ADRB2 (rs1042714), ADRB3 (rs4994), PPAR $\gamma$ 2 (Pro12Ala), FABP2 (rs1799883) полиморфизмлари ва фолат цикли генетик регулятори – МТНFR (677) шунингдек қондаги гомоцистеин кўрсаткичлари олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда МС ва МИ нинг диагностика стандартлари, инструментал, биокимёвий, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

гипергомоцистеинемия метаболик синдром хавфини ошириши ва асосий патологиянинг салбий кечиши ҳамда ЮИК хавфи, хусусан ушбу гуруҳ беморларда миокард инфаркти ривожланишига олиб келиши асосланган;

метаболик синдром мавжуд беморларда плазма гомоцистеини даражасининг ортиши қондаги паст зичликдаги липопротеидлар, триглицеридлар ва НОМА-IR индексининг ортиши билан бевосита боғлиқлиги, шунингдек юқори зичликдаги липопротеидлар даражаси билан манфий боғлиқлиги аниқланган;

МТНFR (С677Т) фаоллигини кодловчи генларнинг ноқулай генотипик вариантларининг мавжудлиги гомоцистеин даражасининг ортиши учун кўшимча триггерлиги, ҳамда метаболик синдром ва ЮИК, шу жумладан миокард инфаркти ривожланиши хавфининг мустақил кўрсаткичлари эканлиги аниқланган;

PPAR $\gamma$ 2 генидаги Pro12Ala ҳамда FABP2 генидаги Ala54Thr полиморфизмларининг ноқулай генотиплари аниқланган шахсларда метаболик синдром ривожланиш хавфи юқори бўлиши исботланган;

ADRB3 (Try64Arg) полиморфик маркерининг ноқулай Try/Arg, Arg/Arg генотиплари ва ADRB2 генидаги Gln27Glu полиморфизмининг гомозиготли Glu/Glu генотипи метаболик синдром ва миокард инфаркти ривожланиши хавфини сезиларли ошириши, Gln/Gln генотипи эса ушбу патологик ҳолатлар ривожланиши учун ҳимоя белгиси эканлиги кўрсатилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

плазма ГЦ ва атероген липопротеинлар кўрсаткичлари, шунингдек НОМА-IR индекси ўртасидаги аниқланган боғлиқлик МС мавжуд беморларни эрта аниқлаш, гиполипидемик ва гипогликемик дориларни ўз вақтида коррекция қилиш имконини берган;

МС нинг пайдо бўлишида плазма ГЦ нинг роли МТНFR генидаги С677Т полиморфизмининг фаоллигини кодловчи генетик омилларнинг хусусиятлари билан бир қаторда асосланган;

ADRB2 генидаги Gln27Glu, ADRB3 генидаги Try64Arg, PPARG2 генидаги Pro12Ala, FABP2 генидаги Ala54Thr ва MTHFR генидаги C677T полиморфизмларининг генотипик вариантларини аниқлаш ва таҳлил қилиш зарурати беморларда МСни клиник кечишини ва даволаш муолажаларининг самарадорлигини баҳолашда муҳимлиги исботланган;

МС ва ЮИК ривожланиши хавфига ирсий мойилликни эрта башорат қилиш ушбу патологияларни ва уларнинг асоратларини даволаш учун катта моддий харажатлардан қочиш, ушбу касалликнинг клиник намоён бўлишидан олдин мақсадли терапевтик ва профилактика чораларини ўтказиш имконини бериши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган замонавий назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, клиник материаллар ва кузатувлар сонининг етарлиги, тадқиқотда фойдаланилган замонавий, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, лаборатор, молекуляр-генетик ва статистик усуллар қўлланилгани, ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ADRB2 генидаги Gln27Glu, ADRB3 генидаги Try64Arg, PPARG2 генидаги Pro12Ala, FABP2 генидаги Ala54Thr ва MTHFR генидаги C677T полиморфизмларининг генетик хусусиятларини ва МС билан оғриган беморларда плазма ГЦ даражасини баҳолаш касалликнинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти МС ривожланишига ирсий мойилликни эрта аниқлашга ёндашувларни такомиллаштириш, унинг кечишини башорат қилиш ва донозолик терапевтик ва профилактика чораларини янада самарали амалга оширишдан иборат эканлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Метаболик синдром патогенезининг клиник-биокимёвий ва молекуляр-генетик хусусиятлари ва унинг юрак ишемик касаллиги билан алоқаси бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиали бўйича 03.07.2023 йилдаги 33-сонли буйруқ ҳамда Фарғона шаҳри 1-сон шаҳар шифохонаси бўйича 07.07.2023 йилдаги 28-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган.

Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида метаболик синдром ва унинг клиник кечишини комплекс ташхисоти ва прогнози бюджет ҳисобидан бир бемор учун 280 000 сўм ва бюджетдан ташқари 320 000 сўмни тежашга имкон берган;

метаболик синдром шаклланиши хавфини баҳолаш прогнозни аниқлашга, салбий оқибатларнинг олдини олиш имконини берган, бу эса метаболик синдром билан оғриган беморларнинг хаёт сифати ва давомийлигини яхшилаган;

MTHFR генидаги C677T полиморфизмининг ноқулай генотипларини ташувчиларининг қонидаги гомоцистеин даражасини ўрганиш

ихтисослашган шифохоналарни жалб қилмасдан бирламчи бўғимда эрта муддатларда даволаш ва профилактика чораларини режалаштириш имконини берди. Ушбу беморларнинг фармакотерапиясини назорат қилиш касалликнинг оғирлашишини олдини олиш, касалхонага ётқизмаслик, агар ётқизилса ётоқ кунлари сонини камайтириш орқали битта беморга ҳисоблаганда бюджет маблағларини 530 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 350 000 сўмга тежашга имкон яратган;

метаболик синдромнинг ирсий мойиллигини ҳисобга олган ҳолда амалиётда метаболик синдром хавфини ва ушбу касалликнинг юрак-қон томир касалликлари билан бирга келишини эрта башорат қилишга қаратилган ҳолда молекуляр-генетик тадқиқотларни қўллаш профилактика чораларининг самарадорлигини оширган, метаболик синдром ва унинг асоратларини ривожланишини олдини олиш имконини берган;

молекуляр генетик тадқиқотлар ёрдамида метаболик синдромнинг ривожланиши ва ривожланишини башорат қилиш усулини ўз вақтида қўллаш ҳар бир беморга 315 000 сўм бюджет маблағларини ва 135 000 сўм бюджетдан ташқари маблағларни тежаш имконини берган.

Олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида метаболик синдром ривожланиш хавфини эрта башорат қилиш, қон-томир асоратлари ривожланишини, ногиронлик ва касаллик зўрайишини олдини олиш, меҳнат қобилиятини узок муддатга сақлаб қолиш, касалликни даволаш ҳамда текшириш учун сарфланадиган маблағларни тежаб қолиш, метаболик синдром билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Мусашайхов Умиджон Хусановичнинг “Метаболик синдром патогенезининг клиник-биокимёвий ва молекуляр-генетик хусусиятлари ва унинг юрак ишемик касаллиги билан алоқаси” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Андижон давлат тиббиёт институтининг 2023 йил 30 августдаги б1-14/х-сонли хати юборилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 6 таси Республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 182 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асослаб берилган бўлиб, унинг объекти ва предмети кўрсатилган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги асослаб берилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилинганлиги баён қилинган, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Метаболик синдром ривожланиши ва диагностикасининг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобда хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг батафсил шарҳлари келтирилган. Метаболик синдромнинг патогенези таҳлил қилинган, метаболик синдром ривожланишининг клиник-биокимёвий ва молекуляр-генетик механизмлари тўғрисида замонавий қарашлар баён қилинган ҳамда ушбу муаммонинг ҳал қилинмаган ёки тушунтиришни талаб қиладиган жиҳатлари кўрсатиб берилган.


Диссертациянинг **«Тадқиқот материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобда ушбу тадқиқотда фойдаланилган тадқиқот материаллари ва усуллари тавсифи келтирилган. Тадқиқот асосида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Андижон филиалида текшириш ва сўнгра даволаниш мақсадида мурожаат қилган 183 нафар беморларнинг комплекс клиник-биокимёвий ва молекуляр-генетик текшируви натижалари таҳлили ётади. Улар ушбу тадқиқотга қўшилиш ва қўшилмаслик мезонларига мувофиқ танланган 3 та кичик гуруҳдан шакллантирилган асосий гуруҳни ташкил қилди: 1–64 нафар МС ҳамда миокард инфаркти биргаликдаги беморлар; 2–61 нафар беморлар МИ сиз МС билан; 3-58 нафар МС сиз МИ мавжуд беморлардан иборат эди. Назорат гуруҳини текширув вақтида ва анамнезида юқоридаги патологияларнинг клиник белгилари кузатилмаган, шунингдек, ўзида ва яқин қариндошларида МС ва МИ касалликлари мавжуд бўлмаган 155 нафар «шартли равишда соғлом» шахсларни ўз ичига олган касалхона беморлари, жинси ва ёши бўйича асосий гуруҳ билан таққосланадиган кўнгиллилар ташкил этди. Назорат намунаси учун материал сифатида мустақил равишда ажратилган ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган Гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг ДНК банкида сақланадиган геномик ДНК препаратлари ишлатилган.

Асосий ва назорат гуруҳларидаги барча тадқиқотлар 18 ёшдан катта бўлган беморларда ва беморнинг тадқиқотга розилигини олган ҳолда амалга оширилди.

Асосий гуруҳдаги 183 нафар беморларнинг 106–57.9% ни эркаклар, 77-42.1% ни аёллар ташкил этди (1-расмга қаранг).

МС+МИ билан оғриган беморлар гуруҳининг нисбатан кўп қисми 45-59 ёш ва 60-74 ёшни ташкил қилди. МИ бўлмаган МС мавжуд беморлар орасида ҳам энг юқори касалланиш 60-74 ёшли гуруҳда содир бўлган. 45-59 ва 60-74 ёшдаги МС бўлмаган МИ билан оғриган беморларнинг кичик гуруҳида МИ

ривожланиш хавфи бир хил эди (44,8% ва 44,8%). Шунингдек керакки, МС+МИ шунингдек МС сиз МИ кичик гуруҳларида 18-44 ёшда фақат эркаклар бор эди. Ўрганилган 183 бемор орасида беморларнинг аксарияти кекса 183/89 (48,6%) эди, бундан ташқари, барча кичик гуруҳларда узок умр кўрувчилар йўқ эди.



**1-расм. Беморларни жинсига кўра тақсимланиши.**

Асосий гуруҳда беморларнинг ўртача ёши  $60.4 \pm 0.7$  ёшни ташкил этди.

Хусусан, МС+МИ билан  $60.3 \pm 1.2$  ёшни, МИ сиз МС билан  $59.8 \pm 1.4$  ёшни, МС сиз МИ бўлган беморларнинг ўртача ёши  $61.2 \pm 1.1$  ни ташкил этди. Назорат гуруҳидаги соғлом шахсларнинг ўртача ёши  $52.3 \pm 3.9$  бўлди. Ёши ва жинсий таркибга кўра ўрганилаётган ва назорат гуруҳлари бир-бирига яқин.

Бизнинг ишимиз давомида МС ва МИ диагностика стандартлари, инструментал, биокимёвий, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Биринчи босқичда барча беморлар умумий клиник текширувдан ўтдилар, у тана вазнини ўлчаш, тана вазни индексини (ТВИ) ҳисоблаш, юрак уриш тезлигини ҳисоблаш, қон босимини ўлчашдан иборат эди.

Ишнинг иккинчи босқичида барча 183 беморда МС ривожланишининг хавф омилларини ўрганиш учун лаборатор диагностика усуллари ўтказилди, шу жумладан липид спектрини, қонда глюкоза даражасини, ИР кўрсаткичларини (НОМА-IR), шунингдек қондаги гомоцистеин микдорини аниқлашдан иборат эди.

Ушбу ишнинг учинчи босқичида МС ривожланиши билан боғлиқ энг муҳим генетик ДНК полиморфизмларининг, липид метаболизмининг бузилиши билан боғлиқ PPAR $\alpha$  (rs2016520), ADRB2 (rs1042713), ADRB2 (rs1042714), ADRB3 (rs4994), PPAR $\gamma$ 2 (Pro12Ala), FABP2 (rs1799883) ва фолат цикли MTHFR (C677T) генларининг аллеллари ва генотипларининг тарқалиш частоталари ўрганилди. МС шаклланишида ушбу полиморф маркерларнинг полиморфизмининг роли ва аҳамияти ва МС билан оғриган беморларда ушбу полиморфизмларнинг МИ хавфига таъсири баҳоланди.

Хулоса қилиб, ўтказилган тадқиқот натижалари умумлаштирилди ва талқин қилинди. Шунга асосланиб, энг муҳим клиник ва лаборатор маълумотлари

аниқланди, МС прогнозининг ишончилиги ва касалликнинг кечишига таъсир килувчи асосий статистик аҳамиятга эга генетик белгилар аниқланди.

Биокимёвий тадқиқотлар "MODUS" клиник лабораториясида ўтказилди. Биокимёвий тадқиқотлар Mindray (Хитой) биокимёвий аутоанализаторларида бажарилди. Генетик мутациялар текшируви Ўзбекистон Республикаси ССВ РИГИАМ нинг молекуляр тиббиёт ва хужайравий технологиялар ҳамда тиббий генетика лабораторияси бўлимларида олиб борилди. Тадқиқ қилинаётган генларнинг мутациялари ва полиморфизмларининг учраш таксимооти таҳлили «case-control» (ҳолат-назорат, икки намунани таққослаш) шакли туридаги моделдан фойдаланиш орқали амалга оширилди. ПЗР (полимераз занжирли реакция) таҳлиллари Applied Biosystems 2720 (АҚШ) и CG1-96 («Corbett Research» QUAGEN Германия) ва Rotor Gene Q (QUAGEN Германия) термоциклерлари ёрдамида амплификация дастурларига мувофиқ амалга оширилди. Беморлардан қон олишда ЭДТА си бор Vacutainer Becton Dickinson International (АҚШ) стандарт вакуум-пробиркаларидан фойдаланилди.

Олинган тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш Stat Soft Statistica 10.0 (АҚШ) стандарт дастур тўплами ёрдамида амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Метаболик синдромнинг клиник-биокимёвий хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида асосий гуруҳдаги касалхонага ётқизилган беморларда, уларда қандай патология булишидан қатъий назар, бири-биридан кескин фарқланмайдиган ва ўзаро таққослаш мумкин бўлган, асосий клиник-лаборатор кўрсаткичларини ўрганиш натижаларига баҳо берилган.

Барча беморлар умумий клиник текширувдан ўтдилар, унга тана вазнини ўлчаш, тана вазни индексини (ТВИ) ҳисоблаш, юрак уриш тезлигини ҳисоблаш, қон босимини ўлчаш кирган.

Абдоминал семизликни (АС) учрашини ўрганиш, АС МС+МИ ва МИ сиз МС мавжуд беморларнинг гуруҳида 95.3% ва 93.4% мавжуд эди, бу МС сиз МИ бор беморларга нисбатан сезиларли даражада (15.5%) мос равишда кўп эди ( $p < 0.001$ ). МС+МИ билан оғриган барча беморлар орасида гипертония касаллиги 90.6% ҳолатда аниқланган бўлса, 9.4% беморларда нормал қон босими кўрсаткичлари аниқланган. МС + МИ билан оғриган беморлар гуруҳидаги ўртача қон босими қуйидагича эди: САБ  $151.1 \pm 2.8$  мм.см.уст., ДАБ  $90.9 \pm 1.2$  мм.см.уст. МС+МИ ва МИ сиз МС билан текширилган беморларда, ўртача тана вазни индекси (ТВИ) кўрсаткичи  $30.8 \pm 0.5$  кг/м<sup>2</sup> ва  $31.8 \pm 0.5$  кг/м<sup>2</sup> эди ва мос равишда МС сиз МИ мавжуд беморларга нисбатан сезиларли даражада кўп, яъни  $26.3 \pm 0.3$  кг/м<sup>2</sup> бўлди ( $p < 0.001$ ). Қандли диабет МС + МИ билан оғриган беморларнинг 45.3% да ташхис қўйилган ва МИ сиз МС ва МС сиз МИ бўлган беморларда мос равишда 24.6% ва 8.6% ҳолатларда аниқланган. Беморларнинг асосий гуруҳининг артериал пулсини текширишда статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар топилмади ( $p > 0.05$ ).

Қондаги наҳорги глюкоза миқдори назорат гуруҳига нисбатан ( $4.7 \pm 0.05$  ммоль/л) учта асосий кичик гуруҳда сезиларли даражада юкори бўлди ва 1-кичик гуруҳда  $6.1 \pm 0.2$  ммоль/л, 2-кичик гуруҳда  $6.0 \pm 0.3$  ммоль/л, шунингдек 3-кичик гуруҳда  $5,4 \pm 0.2$  ммоль/л ни ташкил этди ( $p < 0.001$ ). МС+МИ билан оғриган беморларда қондаги наҳорги глюкоза миқдорини аниқлаш

(ммоль/л) натижалари МС сиз МИ билан оғриган беморларнинг гуруҳига нисбатан унинг статистик муҳим ортишини кўрсатади ва ўз навбатида  $6.1 \pm 0.2$  ммоль/л ва  $5.4 \pm 0.2$  ммоль/л ни ташкил этди ( $p < 0.001$ ).

МС+МИ билан оғриган беморлар гуруҳида коннинг липид спектрининг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлган ПЗЛП беморларнинг 1/3 қисмидан кўпроғида нормал кўрсаткичлардан ошиб кетди. МС+МИ билан оғриган беморларнинг 67.2% (64/43) ПЗЛП нинг ўртача даражаси  $4.3 \pm 0.07$  ммоль/л ни ташкил этди. МИ сиз МС ва МС сиз МИ дан иборат беморлар гуруҳида, ПЗЛП даражаси 55,7% ( $3.6 \pm 0.04$  ммоль/л) ва 39,6% ( $3.6 \pm 0.07$  ммоль/л) ҳолларда ортганлиги кузатилди. ПЗЛП нинг ўртача даражасидаги фарқлар МС+МИ билан оғриган беморларда МИ сиз МС ҳамда МС бўлмаган МИ мавжуд беморларга нисбатан 1.2 баравар юқори эди ( $p < 0.001$ ) (2-расмга қаранг).


ЮЗЛП даражаси МС+МИ бор беморларнинг – 70.3%, МИ сиз МС мавжуд беморларнинг – 60.6% ва МС сиз МИ билан хаста беморларининг – 48.3% да нормал курсаткичларидан паст эди. Шундай қилиб, МС+МИ билан оғриган беморлар гуруҳида ЮЗЛП даражаси  $0.75 \pm 0.01$  ммоль/л, МИ сиз МС билан оғриган беморлар гуруҳида  $0.8 \pm 0.01$  ммоль/л, шунингдек, МС сиз МИ билан оғриган беморларда бу кўрсаткичнинг ўртача даражаси  $0.8 \pm 0.02$  ммоль/л ни ташкил этди ( $p < 0.001$ ).

АК (атерогенлик коэффиценти) ни баҳолаш натижалари асосий гуруҳ ва назорат гуруҳи беморлари ўртасида сезиларли фарқни кўрсатди ( $p < 0.001$ ). АК нинг ўртача қийматлари қуйидагича булди: МС+ИМ  $6.3 \pm 0.2$ , МИ сиз МС  $6.0 \pm 0.3$ , ҳамда МС сиз МИ беморлар гуруҳида  $5.0 \pm 0.2$ , шунингдек назорат гуруҳида ушбу кўрсаткичнинг ўртача даражаси  $2.1 \pm 0.05$  га тенг булди.

МС+МИ кичик гуруҳида липид спектрининг кўплаб параметрлари беморларнинг ярмидан кўпида нормал қийматлардан ошди. МС+МИ билан оғриган беморларнинг 78.1% да триглицеридлар (ТГ) миқдорининг сезиларли оғиши қайд этилган. МИ сиз МС ва МС сиз МИ билан оғриган беморларда ТГ кўрсаткичининг ўртача миқдорининг ортиши мос равишда 62.3% ва 46.5% текширилувчиларда кузатилди. МС+МИ билан оғриган беморларнинг 78.1% (64/50) даги ўртача ТГ даражаси МИ сиз МС ва МС сиз МИ билан оғриган беморлардан сезиларли даражада фарқ қилди ( $2.1 \pm 0.04$  ммоль/л мос равишда қарши  $1.96 \pm 0.03$  ҳамда  $1.95 \pm 0.03$ ) ( $p < 0.001$ ).

Умумий холестериннинг нормал даражаси (УХС) асосан МС бўлмаган МИ (53.5%) билан оғриган беморлар гуруҳида кузатилди. Ушбу кўрсаткич 46.5% (58/27) ҳолатларда нормал қийматлардан ошди ва МС сиз МИ билан оғриган беморларда УХС кўрсаткичининг ўртача даражаси мос равишда  $6.1 \pm 0.08$  ммоль/л ни ташкил этди. МС+МИ ва МИ бўлмаган МС мавжуд беморлар орасида фақат 32.8% ва 42.6% ҳолларда УХС курсаткичи чегара қийматларидан паст бўлган. УХС нинг нормал курсаткичдан ортган 67.2% ва 57.4% (МС+МИ ва МИ бўлмаган МС) беморларда юқорида курсатилган липид спектори параметрининг ўртача даражаси  $6.3 \pm 0.04$  ммоль/л ва  $6.4 \pm 0.02$  ммоль/л ни ташкил этди. Тадқиқот гуруҳларида УХС нинг ўртача даражасидаги фарқлар статистик жиҳатдан ишончсиз эди ( $p > 0.05$ ).

НОМАIR>2.77 кўрсаткичи бўйича МС+МИ билан текширилган беморларнинг 70.3% ва МИ сиз МС билан оғриган беморларнинг 67.2%, шунингдек МС сиз МИ билан касалланган беморларнинг 22.4% инсулинга резистентлиги (ИР) бор деб таснифланган (2-расмга қаранг).



**2-расм. Метаболик синдромнинг биокимёвий кўрсаткичларининг частотаси ва даражаси.**

Кейинчалик, барча текширилган беморларнинг қонидаги гомоцистеин (ГЦ) даражаси ўрганилди.

Қондаги ГЦ даражасини ўрганиш шуни кўрсатдики, МС+МИ билан оғриган беморларнинг кичик гуруҳида бу кўрсаткич даражаси  $24.6 \pm 0.8$  мкмоль/л га, МИ бўлмаган МС билан оғриган беморларнинг кичик гуруҳида –  $18.4 \pm 0.8$  мкмоль/л, шунингдек МС сиз МИ билан оғриган беморларнинг 3-кичик гуруҳида -  $19.2 \pm 0.8$  мкмоль/л, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич  $8.7 \pm 0.5$  мкмоль/л га тенг булди. Бу беморларнинг асосий гуруҳида қон зардобидаги ГЦ даражасини шартли соғлом шахслар билан солиштирганда сезиларли даражада юқори фарқ мавжудлиги аниқланди ( $p < 0.001$ ). Кичик гуруҳлардаги ГЦ нинг ўртача қийматлари бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилди ва МС+МИ билан оғриган беморлар гуруҳида ГЦ нинг ўртача қийматлари МИ бўлмаган МС ва МС сиз МИ билан оғриган беморларнинг бошқа кичик гуруҳларига нисбатан сезиларли даражада 1.4 ва 1.3 баравар юқори эди ( $p < 0.001$ ). Беморларнинг ҳар бир кичик гуруҳида эркаклар ва аёллар ўртасидаги ГЦ даражасини ўрганилганда, бу кўрсаткич эркакларда юқори бўлган, аммо бу фарқ ишончли қийматларга етиб бормаган ( $p > 0.05$ ).

Гипергомоцистеинемия (ГГЦ) даражаси ва частотасини баҳолаш натижалари шуни кўрсатдики, МС + МИ бўлган беморларда ГГЦ 82.8% ҳолларда аниқланган. Олинган маълумотлар таҳлили 1-чи кичик гуруҳдаги 53/64 беморларнинг қонида ГЦ миқдори юқори даражада эди ва унинг ўртача даражаси  $27.1 \pm 0.5$  мкмоль/л ни ташкил этди, бу МИ сиз МС ва МС сиз МИ билан оғриган беморларга нисбатан сезиларли даражада 1.3 ва 1.2 баравар юқори эканлигини кўрсатди ( $p < 0.001$ ). МИ сиз МС билан оғриган

беморларда қонда ГЦ ортиши 61/44 (72.1%) ва МС сиз МИ кичик гуруҳида 58/42 (72.4%) беморларда аниқланди (2-расмга қаранг).

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, қондаги ГЦ даражасининг ошиши билан МС+МИ ривожланиш хавфини МИ сиз МС ва МС сиз МИ билан оғриган беморларга нисбатан деярли 2 барабар оширишга тенденция мавжуд (82.8% қарши 72.1 % ,  $\chi^2=2.0$ ;  $p=0.2$ ;  $OR=1.9$ ;  $95\%CI:0.8-4.36$  ва 82.8% қарши 72.4%  $\chi^2=1.9$ ;  $p=0.2$ ;  $OR=1.8$ ;  $95\%CI:0.78-4.34$ ). МИ сиз МС ва МС сиз МИ билан оғриган беморлар ўртасидаги ГЦ частотаси фарқлари статистик жиҳатдан сезиларсиз эди (72.1% қарши 72.4%,  $\chi^2=0.0$ ;  $p=0.9$ ;  $OR=1.0$ ;  $95\%CI:0.44-2.2$ ).

Шундай қилиб, плазма ГЦ даражасининг ошиши МС ва МИ патогенезида синтропияни оширади. Бу салбий клиник ҳодисалар ривожланишининг кўшимча мустақил диагностик ва прогностик белгиси сифатида ишлатилиши мумкин.

МС+МИ билан оғриган беморлар гуруҳида ГЦ мавжуд 53/39 (73.6%) беморларда ПЗЛП лар даражасининг ортиши кузатилди, ва унинг ўртача курсаткичи  $4.3 \pm 0.07$  ммоль/л ни ташкил этди. Шу билан бир вақтда, ГЦ мавжуд беморларнинг 26.4% да ПЗЛП нормал кўрсаткич қийматларидан ошмади (1-жадвалга қаранг). МС+МИ билан оғриган беморларда ГЦ учрагада МИ сиз МС ва МС сиз МИ билан оғриган беморлар гуруҳига нисбатан ПЗЛП даражасини 1.4 ва 2.3 мартта кўпроқ ортиши учун мойиллик борлиги аниқланди (мос равишда  $\chi^2=0.7$ ,  $p<0.5$ ,  $OR=1.4$ ,  $95\%CI:0.6-3.44$  ва  $\chi^2=3.7$ ,  $p<0.1$ ,  $OR=2.3$ ,  $95\%CI:0.98-5.4$ ). ГЦ мавжудлиги ПЗЛП даражасини МИ сиз МС беморларда МС сиз МИ мавжуд беморлар гуруҳига нисбатан 1.6 мартта кўпроқ ортишига олиб келади, мос равишда  $\chi^2=1.1$ ,  $p<0.3$ ,  $OR=1.6$ ,  $95\%CI:0.67-3.81$ .

Қондаги ГЦ даражасининг ошиши билан МС+МИ билан оғриган беморларнинг кичик гуруҳидаги тадқиқот натижаларини солиштирганда, 75.5% холларда ЮЗЛП даражасининг пасайишини кўрсатди. ГЦ мавжуд беморларда ЮЗЛП ўртача даражаси  $0.75 \pm 0.01$  ммоль/л ни ташкил этди. МС+МИ ва МИ бўлмаган МС мавжуд беморларда ГЦ микдорининг нормал кўрсаткичлардан ортиши, ЮЗЛП лар даражасини МС бўлмаган МИ билан оғриган беморлар гуруҳига нисбатан 1.7 ва 1.3 барабар камайтиришига тенденция кузатилди (75.5% қарши 64.3%,  $\chi^2=1.4$ ,  $p=0.3$ ,  $OR= 1.7$ ,  $95\%CI:0.71-4.14$  ва 70.5% қарши 64.3%,  $\chi^2=0.4$ ,  $p=0.3$ ,  $OR= 1.3$ ,  $95\%CI:0.54-3.27$ ).

ГЦ билан бирга келадиган МС+МИ бор беморларнинг 83.0% (53/44) да триглицеридлар даражасини урганиш натижалари, унинг МИ сиз МС бор беморларга (72.7%) ва МС сиз МИ (61.9%) мавжуд беморлар гуруҳига нисбатан статистик жиҳатдан сезиларли ортишиши кўрсатди ва мос равишда  $2.2 \pm 0.04$  ммоль/л қарши  $1.98 \pm 0.03$  ва  $1.95 \pm 0.03$  ммоль/л ни ташкил қилди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

**Гипергомоцистеинемия мавжуд беморларда қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари.**

Қоннинг	Текширилаётган гуруҳлар
---------	-------------------------

биокимёвий кўрсаткичлари	МС + МИ (n=64)	МИ сиз МС (n=61)	МС сиз МИ (n=58)
Умумий холестерин, ммоль/л	53/39 (73.6%) 6.4 ± 0.02*	44/28 (63.6%) 6.4 ± 0.02	42/24 (51.1%) 6.2 ± 0.06
Триглицеридлар, ммоль/л	53/44 (83.0%) 2.2 ± 0.04*	44/32 (72.7%) 1.98 ± 0.03	42/26 (61.9%) 1.95 ± 0.03
ПЗЛП, ммоль/л	53/39 (73.6%) 4.3 ± 0.07*	44/29 (65.9%) 3.7 ± 0.04	42/23 (54.8%) 3.7 ± 0.07
ЮЗЛП, ммоль/л	53/40 (75.5%) 0.75 ± 0.01*	44/32 (72.7%) 0.8 ± 0.01	42/27 (64.3%) 0.8 ± 0.01
НОМА-IR индекси	53/43 (81.3%) 4.1 ± 0.1*	44/31 (70.5%) 3.6 ± 0.2	42/8 (19.0%) 3.5 ± 0.2

**Изох:** \* – МС+ИМ ва МИ сиз МС ҳамда МС сиз МИ гуруҳлари ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги  $p < 0.001$ .

ГГЦ мавжуд беморларда ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, 1-кичик гуруҳдаги беморларда УХС ва НОМА-IR индекслари сезиларли даражада юқори бўлиб,  $6.4 \pm 0.02$  ммоль/л ва  $4.1 \pm 0.1$  ни ташкил этди, 3-гуруҳ беморларида бу кўрсаткичлар  $6.2 \pm 0.06$  ммоль/л ва  $3.5 \pm 0.2$ , ( $p < 0.001$ ) ни ташкил этди, МИ сиз МС бор беморларнинг 2-кичик гуруҳида, улар  $6.4 \pm 0.02$  ммоль/л ва  $3.6 \pm 0.2$  га тенг эди.

Плазма ГЦ ни юқори бўлган МС+МИ ва МС сиз МИ мавжуд беморларнинг кичик гуруҳида триглицеридларнинг ва НОМА-IR индексини тарқалиш частотасини аниқлаш шуни кўрсатдики, МС+МИ билан оғриган беморларнинг 1-кичик гуруҳида триглицеридемия ва НОМА-IR индексинг ортиши статистик жиҳатдан 3-гуруҳга қараганда сезиларли даражада кўп учраганлигини кўрсатди (83.0% қарши 61.9%;  $\chi^2=5.4$ ;  $p=0.02$ ; OR=3; 95%CI:1.19-7.63 ва 81.3% қарши 19.0%;  $\chi^2=36.3$ ;  $p=0.01$ ; OR=18.3; 95%CI:7.1-47.01). ГГЦ МС+МИ билан оғриган беморларда МС сиз МИ мавжуд беморлар гуруҳига қараганда триглицеридлар ва НОМА-IR индексини 3 ва 18.3 баравар кўп оширади.

Мос равишда, плазма ГЦ даражаси ортиши билан триглицеридлар ва НОМА-IR индексининг частотасини ортишини таққослаганда МИ бўлмаган МС бор беморлар гуруҳида МС сиз МИ бўлган беморлар гуруҳига қараганда сезиларли равишда юқори бўлган (72.7%, қарши 61.9%;  $\chi^2=1.1$ ;  $p=0.3$ ; OR=1.6; 95%CI:0.66-4.06 ва 70.5% қарши 19.0%;  $\chi^2=22.9$ ;  $p=0.01$ ; OR=10.1; 95%CI:3.93-27.16).

Шундай қилиб, МС билан оғриган беморларда ГГЦ мавжудлиги дислипидемияни оғирлаштирди. ГГЦ нинг характерли жихати ЮЗЛП даражасини пастлиги, шунингдек, УХС, ПЗЛП, триглицеридларнинг ва НОМА-IR индексининг юқори даражада эканлиги булди.

ГГЦ ва липид спектри параметрлари ва НОМА-IR индекси ўртасидаги корреляцион боғлиқлик ўрганилди. МС ва ЮИК ривожланиши

гипергликемия, шунингдек дислипидемия ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ булиши, бу холда, қондаги ГЦ микдорининг ортиши липид спектрининг бузилишига олиб келиши ва углевод алмашинувига хам таъсир кўрсатиши мумкин.

МС+МИ билан оғриган беморлар гуруҳида қонда ГЦ микдорининг ортиши ПЗЛП ( $r=0.64$ ), триглицеридлар ( $r=0.54$ ) хамда НОМА-IR индекси ( $r=0.35$ ) билан ишончли ( $p<0.001$ ) мусбат корреляцияга эга. Шунингдек ГЦ билан қондаги ЮЗЛП лар ( $r=-0.42$ ;  $p>0.001$ ) даражаси орасида ўртача манфий боғлиқлик аниқланди.

